

МИРЗАЕВА Мухлиса Нуритдиновна
Ўзбекистон халқаро ислом академияси,
Жаҳон динларини қиёсий ўрганиши
UNESCO кафедраси тадқиқотчиси

САЛЖУҚИЙЛАР САЛТАНАТИДА МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ СОҲА РИВОЖИ

РАЗВИТИЕ КУЛЬТУРНО- ОБРАЗОВАТЕЛЬНОЙ СФЕРЫ В ГОСУДАРСТВЕ СЕЛЬДЖУКОВ

CULTURAL AND EDUCATIONAL DEVELOPMENT IN THE SELJUK STATE

Аннотация. Мақола салжуқийлар даврида амалга оширилган маданий-маърифий ислохотлар мавзусига бағишланган бўлиб мадрасаларнинг бунёд этилиши таълим тараққиёти ва фан ривожига сабаб бўлди. Ўрта асрларда табиий фанлар қадимги Юнон манбалари асосида ўрганилган. Кейинчалик бу соҳада амалга оширилган ишлар ва ёзилган асарлар ўзининг кенг қўламлиги ва юнон муаллифлари асарларидан ҳам илгарилаб кетганлиги билан шухрат қозонди. Табиий фанлар соҳасида эришилган бу ютуқлар ўрта асрлар Европасида ҳам амалиётга тадбиқ қилинди ва асарлар хорижий тилларга ўғирилди. Бунинг натижасида мусулмон маданияти Европа уйғониши даврига (Ренессансга) туртки бўлди. Мусулмон мутафаккирларининг исмлари Европа илм-фани ва маданияти тарихида ўзининг муносиб ўрнини эгаллади.

Таянч иборалар: салжуқийлар давлати, табиий фанлар, мадрасалар, илм-фан тараққиёти, мусулмон маданияти ва Европа Ренессанси.

Аннотация. Статья посвящена образовательным и духовно-культурным реформам осуществлённым в период сельджуцкой династии. Строительство медресе было причиной в развитии образования и расцвета науки. В средние века естественные предметы изучались из источников древних греков. Позднее выполненные труды в этой сфере на востоке прославились по своим масштабам и продвинулись намного далее греческих авторов. В средние века Европа использовала эти достижения в сфере естественных наук. В результате мусульманская культура послужила толчком к Европейскому Ренессансу. Имена мусульманских мыслителей заняли достойные места в науке и культуре Европы.

Ключевые слова: государство сельджукидов, естественные науки, медресе, развитие науки и знаний, мусульманская культура и Европейский Ренессанс.

Annotation. This article is devoted to the educational and spiritual reforms which were held in the period of Seljuk dynasty. Building the medresahs caused developing and flourishing of education and science. In the middle ages natural sciences were learned from the ancient Greek sources. Later the works which were done by muslim scientists in this sphere made a great honor with their wise. Therefor in the middle ages in Europe these works were in use in the practical scientific life and the books were translated into many foreign languages. In the result muslim culture made a push to the Europe Rennessance. The names of these muslim scientists got a worthy place in the science and the culture of Europe.

Key words: government of Seljuks, natural sciences, medresahs, extension of knowledge and science, muslim culture and Europe Rennessance.

КИРИШ

Буюк Салжуқийлар давлати (1037-1194) таълим ва тарбия соҳасида ислом оламида ўз даврининг бурилиш нуктасини ясади. Бу давр таълим-тарбия фаолиятининг тизимлашгани, давлат тасарруфига олингани, бепул таълимнинг жорий этилгани ва олимларнинг маош билан таъминлангани билан маърифат соҳасида қилинган катта ислохотларни ўзида акс эттиради. Салжуқий ҳукмдорлар маърифий ислохотлардаги асосий омил-таълим жараёни ва уни ташкил этиш деб билдилар ва мадрасалар тизимини яратиш борасида тарихда илк маротаба бепул таълим тизимини жорий этдилар. Илк мадрасаларнинг қурилиши сулоланинг ташкил топиши билан бошланган деб айта оламиз. Чунки, илк Салжуқийлар мадрасаси 1040 йилда Нишопурда Тўғрулбек (993-1063) томонидан қурилди [4:10]. Салжуқийлар давлати ўзига қадар бўлган туркий давлатлар ичида илмга катта аҳамият берган, ижтимоий ҳаётни ҳам доим эътиборга олган, халқнинг билимли бўлиши учун кенг имкониятлар яратган тизимни шакллантирди. Зеро, мадрасаларнинг давлат томонидан ташкил этилиши, таълимнинг вақф йўли билан тизимлаштирилиши ва кенг ёйилиши айнан Салжуқийлар давридан бошланади [18:257].

Муҳаммад аз-Заҳабийга (ҳиж. 673-748) таянган Тождуддин ас-Субкий (1372-1370) Вазир Низомулмулк (1017-1092) тарафидан қурилган

“Низомия” мадрасасидан аввал “Байхақия” ва “Саъдия” мадрасаларининг бўлганлигини, бу ерга волий бўлган Сабуктегиннинг ўғли Маҳмуд Ғазнавий (967-1030) ва бошқаларнинг ҳам мадрасалар қурганликларини айтади. Бироқ салтанатнинг ҳар тарафида мадрасалар қурилиши Султон Алп Арслон (1029-1072) замонида янада кенгайди. Закариё Қазвиний (1203-1283)га кўра султон вазир Низомулмулк билан Нишопурда жомеъ дарвозаси олдида кийимлари тўзғиган ёшларни кўриб сабабини сўрайди, вазир ҳам унга: “Булар инсонларнинг энг шарафлилари бўлиб, дунё завқига берилмаган илм толибларидир”, деган жавобни беради. Шу сабабдан султон уларга бир маскан ва маош тайин этилишини амр қилади [15:313-314]. Салжуқийлар давлатининг олим ва талабалар учун, вақф асосидаги бепул таҳсилни таъминлаган мадрасалари, Нишопурдан кейин Бағдодда 1067/459 йилда “Низомия” мадрасасининг иншоси билан бошланди ва шу суръатда бутун мусулмон ўлкаларга тарқалди. Султон Маликшоҳ (1055-1092) ва вазир Низомулмулк замонларида Бағдоддан кейин, Исфаҳон, Рай, Нишопур, Марв, Балх, Хирот, Басра, Мосул, Омул ва ҳатто **Доғистоннинг Цахур** (Цахур ёки Захур Доғистон қиоятларидан бири бўлиб, Салжуқийлар давлати таркибига кирган. 1075 йилда Цахурда “Низомия” мадрасаси бунёд этилган) шаҳрида ҳам мадрасалар қурилди [13:33] **ва улар ҳам** “Низомия” номини олди; кейинчалик турли номлар билан бошқа мадрасалар ҳам пайдо бўлди.

АСОСИЙ ҚИСМ

Салжуқийлар даврида мадрасалар воситасида илмнинг ҳимояси ва унинг кенг тарқалиши, таҳсилнинг бепул ва осон қилиниши сабаблари ҳам шахсан шу даврнинг яратувчиларидан султон Маликшоҳ ва вазир Низомулмулк томонидан амалга оширилди. Ҳақиқатан ҳам буюк вазир, аввалги подшоҳлар олимларга маош бермаганлари ва муайян вазифа билан банд қилмаганлари учун улар ҳукмдорларга ва давлатга қарши ҳаракат қилганлар [16:154] деб баҳолайди. Салжуқийлар давлати мадрасалар воситасида бир тарафдан илмни ҳимоя қилиб юксалтирди, бошқа тарафдан ҳаддан ошган шиа Фотимийларининг суннийларга зид тарғиботларига қарши сунний

давлатни вужудга келтирди. Шундай қилиб ислом дунёси Хитой ҳудудларидан Ўрта Ер денгизи бўйларигача илм, маданият, ижтимоий ёрдам марказлари ва санъат обидалари билан тўлди. Мадрасаларда олим ва талабаларга маош тайин этилишидан ташқари, илмни ташвиқ ва тадқиқ этиш мақсадида фаолият олиб борган ва қобилиятлилар учун вақф тасарруфидан 100, 500 ва 1000 “динор ёки акча” мукофотлар ҳам таъсис этилди [3:29]. Салжуқийлар бошлаб берган бу буюк ҳаракатда бошқа мусулмон қавмлар ҳам иштирок этиб, барпо қилинган муассасаларнинг аксарияти туркийларнинг ишлари эди.

Салжуқий султонлар, маликлар, беклар ва зодагон аёлларнинг олимларга, дин кишиларига, шоир ва санъаткорларга кўрсатган ҳурмат-эътибори, уларга атаб қурган муассасалари, қилган эҳсонлари ҳайратга молик ва ўзларининг қудратларига муносиб даражада эди. Султон Тўғрулбек: “Ўзимга бир сарой қуриб, ёнида бир жомеъ қурдирмасам Аллоҳдан уяламан” [8:59] дейди. У фатҳ этган шаҳарларига кирар экан, илк иши олимлар ва дин кишиларини тавозе билан бориб зиёрат қилиш ёки қабул қилиш бўлган.

Султон Маликшоҳнинг вазир Низомулмулк орқали Бағдодга Абу Исҳоқ Шерозий (1003-1083)га юборган мактубида, **“Низомия” мадрасасини** маълум бир мазҳабни ҳимоя қилиш учун эмас, илмни ҳимоя қилиш ва юксалтириш ғояси билан қурганликларини, мазҳаблараро тафриқаланиш сиёсатини кўзламаган-ликларини билдирган таъбири, дин ва сўз эркинлиги ҳақидаги соғлом фикр ва сиёсатнинг энг гўзал намуналаридандир [18:312].

Салжуқий султонлари, амир ва беклари илм, адабиёт ва санъатнинг ҳомийси сифатида буюк ишлар қилдилар. Улар орасида илк салжуқий султонлари, хусусан Маликшоҳ, Санжар ва вазир Низомулмулк маданият тарихида жуда катта мавқега эга бўлдилар. Олим, файласуф, риёзиётчи, табиб, санъаткор, адиб ва шоирларнинг кўпи Салжуқийлар саройларига дахлдор, уларнинг ҳомийликларида ёки вақф этган муассасаларида таҳсил олган эдилар. Султон Алп Арслон ўзига тегишли маблағнинг бир қисmini фақирларга улашиб, ўндан бирини эса илм кишиларига сарф этган. Султон Маликшоҳ қурдирган мадрасалари ва маданият марказларидан ташқари олим ва

мутасаввифларга йилда 300.000 динар (олтин) эҳсон қилган [12:59]. Саройи ва муҳити олим, шоир, табиб ва файласуфлар билан тўла бўлган Султон Санжарнинг (1084-1157) бир дафъа беш кун мобайнида олимларга қилган эҳсонлари 700.000 динар нақд пул, 1000 дона атлас кийим бош, жуда кўп от ва кийматбаҳо нарсалар бўлиб ўзининг ва давлатининг ҳашаматига мутаносиб даражада эди деб рикоят қилинади. Ғазначи ҳазинанинг бўшаб қолиши мумкинлигидан сўз очган вақт “Менинг ҳақимда мол-дунёга ҳавасманд дейишлари хунук бўлади; бу атлас кийимларни ҳам амирларга тарқатиб юбор”, деган жавобни олади [17:125].

Мадрасаларда риёзиёт, астрономия, тиб ва фалсафа каби ақлий илмларнинг ўқитилиши маҳаллий маданий тизимга, олимларнинг ихтисослиги ва мавжудлигига боғлиқ бўлган. Йирик марказларда ва “Низомия” мадрасаларида мусбат илмлар, яъни аниқ фанлар ҳам дарс дастуридан жой олган. Бағдодда 1234 йилда очилган “Мустансирия” мадрасасида исломий илмлардан ташқари, тиббиёт, риёзиёт ва астрономия дарслари ҳам ўқитилган. Осмон шаклидаги олтин тослар ва асбоблар билан куёшнинг ҳаракати тадқиқ этилган. Қимматли вақфларга, катта ва тенгги йўқ кутубхонага эга бўлган мадрасада барча мазҳабларга мансуб талаба ва мударрисларга кенг ўрин берилган. Шу қаторда Басрада ҳам тиббиёт мадрасаси қурилган [6:50, 62, 83, 181].

Салжуқийлар даврида тиббиёт таҳсили мадрасалардан ташқари ўз даврининг йирик шифохоналари “Бемористон” ёки “Дор уш-шифо”ларида ҳам амалга оширилган. Шу билан бир қаторда хусусий шаклдаги тиббиёт таҳсили ҳам мавжуд бўлиб, шомлик Муҳаддеб исмли бир табиб бозорларда пулга беморларни муолажа қилган. 1232 йилда вафот этиб, уйини ва китобларини вақф этар экан, бу ернинг мусулмонлар учун тиббиёт мактаби бўлишини васият қилган. Муҳеззибуддин Абдурахмон (1170 йилда туғилган) Шомда уйини тиббиёт мадрасаси сифатида вақф этган ва бу ердан бир қанча табиблар етишиб чиққанлар. Унинг “Ихтишар ул-Ҳавий”, “Мақола фил-истифрағ” каби асарлари бор [9:271].

Бу даврда Яҳё ибн Исо (ваф.493/1100) каби халқни маҳаллаларда текин муолажа қилган ва уларга бепул дорилар юборган табиблар ҳам бўлган [8:345]. Садриддин Кўнявийдан ва Носириддин Тусий (1201-1274)дан таҳсил

олган Қутбиддин Шерозий (1236-1311) Ибн Синонинг (980-1037) “Қонун” ва “Шифо”сидан, Замахшарий (1075-1144)нинг “Кашшоф”идан таълим берган; йилда 30.000 дирҳам маош олган ва кўпини талабаларга эҳсон қилган [10:339-340].

Медицина амалиётлари шифохоналарда бўлгани каби, астрономия дарслари ҳам мадрасалардан ташқари расадхоналарда ўрганилган. Султон Маликшоҳ кўпгина маблағ эвазига аввал Исфаҳонда, кейин Бағдодда расадхона қурдирди ва даврининг буюк риёзиётчи ва астрономлари бўлган Умар Ҳайём (1048-1131), Абул Музаффар Исфизорий (ваф. 1116), Маймун ан-Нажиб ал-Воситий ва бошқаларни кузатув ишларига бошлиқ этиб тайинлади. Бу кузутувлардан кейин султон Маликшоҳнинг “Жалолиддин” лақабига нисбат бериб, янги “Жалол тақвими” календари вужудга келди. Бу тақвимга кўра, 21 март ҳиж. 471/1079 йилдан эътиборан янги тарих санаси бошланганлиги қабул қилинди. Ҳижрий сана давлат ишлари учун етарли эмас ва аббосийлар даврида ҳам аниқ бир молиявий тақвим яратилмагани учун куёш йили асосига таянган ҳолда янги тақвим ишлаб чиқилди. Илмий жиҳатдан Григориан системасидан анча аниқ ва тушунарли бўлган бу календарь исломий асарларда кўп маротаба истефода этилган. Султон Маликшоҳ Бағдодда саройлар, кўшклар, маҳаллалар, бозорлар, ҳаммомлар ва карвонсарйлар бунёд қилдирди. Ироқда катта каналлар ва сўғориш иншоатлари қуриб сарой яқинида ҳам бир расадхона барпо этиб, астрономия ишларини шу ерда марказлаштирди [11:60-70].

Султон Маликшоҳдан кейин бошланган сиёсий инқироз расадхона ишларини тўхтата олмади. Файласуф Муҳаммад ибн Аҳмад Байҳақий риёзиёт ва астрономия борасида жуда машҳур бўлиб, ўз даврининг олимларидан устун эди, у султон Муҳаммад Тапар (1082-1118) даврида Исфаҳон расадхонасида ўз тадқиқотларини давом эттирди [2:162-164]. Султон Муҳаммад Тапардан кейин ўғли Султон Маҳмуд (1105-1131) ҳам Бағдод расадхонасига “Бадиъ ул-Устурлобий” номи билан танилган Абул Қосим Ҳиббатуллоҳни (1106 й. туғилган) бошлиқ этиб тайинлади. У астрономия илмида, хусусан устурлоб ва бошқа фалакиёт ашёлари борасида жуда илмли бўлиб, Султон Маҳмуд шарафига тайёрлаган “Зиж”ларини 1130

йилда ниҳоясига етказди. Расадхона ишларига кўрсатилган юксак эътибор туфайли у катта мавкега эришди. Вафотидан кейин унинг каби олим чиқмади. Бадиъ ул-Устурлобийдан тахминан икки аср кейин Муҳаммад ибн Иброҳим номли астроном турли хил ва янги устурлоблар ва рубуъллар ихтиро қилди. У техникага оид “Кашф ур-райб фи амал ал-жайб” номли асар ҳам ёзди [8:244].

Султон Санжар (1084-1157) илмий фаолиятларни ташвиқ ва ҳимоя қиларкан, кузутув, яъни расадхона ишларига ҳам алоҳида аҳамият қаратти. Абу Мансур Абдурраҳмон Ҳазиний (1077-1155) бош бўлган кузатувлар натижасида Салжуқийларга тегишли ўлкаларнинг узунлик-кенглик даражалари, уларнинг қиблаларини кўрсатувчи “Зижи Санжарий” вужудга келди. Ҳазинийнинг “Мезон ул-ҳикмат” номли асари эса физикага оид “Архимедос” асарига асос бўлди. У айни вақтда зичлик ҳақида ҳам тўхталган бўлиб, Р.Бейкондан (1214-1292) олдин ернинг марказга тўғри йўналганда зичликнинг янада ортиши масаласи билан ҳам шуғулланди. Султон Санжар 1000 олтин эҳсон қилади, лекин у 10 динар етарли эканини изҳор қилиб узр сўрайди [2:124-170].

Замахшарийнинг туркий файласуф дўстлари Маҳмуд Хоразмий ва Маҳмуд Илоқийлар ҳам султон Санжарнинг ҳимоясидаги кишиларидан бўлган. Абдураззоқ Балх волийси Кумачга содиқ кишилардан бўлиб, аниқ фанлар ва ҳандасадаги қудрати билан шуҳрат қозонди. Унинг “Султоннома”, “Дўстнома”, “Китаб ул-хайван” ва “Китаб ул-левахик” номли асарлари машҳур. Файласуф Маҳмуд ибн Аҳмад Байҳақий султон Маҳмуд даврида Исфаҳон расадхонасида ишлаб, риёзиёт ва астрономия билан машғул бўлган. Замонасининг олимлари унинг устунлигини тан олганлар. Риёзиётнинг “Мақсади рақамланган маҳрутлар (юза, сирт) илмида” номли асарини жуда кам кишилар тушуна олган. У Султон Маҳмуднинг ботинийларга қарши жиҳодида қатнашиб ботинийлар тарафидан ўлдирилган. Марвлик Ҳасан Каттон тиб, риёзиёт ва адабиёт йўналишларида муҳим асарлар ёзган ва табобатда кам таом буюриб даволаш билан машҳур бўлган. Муҳаммад ибн Ануштегин Отсиз (1097-1156)нинг 1141 йилда Марвни ишғол этиши асносида унинг кутубхонаси талон-тарож этилди. Султон Санжарнинг хизматида

бўлган табиблардан яна бири насроний ибн ат-Тилмиз (ваф. 1165) бўлиб, бир қатор асарлари орасида “Китаб ут-Талҳис” асари табибларнинг қўлланмаларидан эди. Ибн ат-Тилмизнинг маслакдоши яҳудий Ҳиббатуллоҳ Абул Баракот Бағдодлик бўлиб, салжуқий султон Маҳмуд ва унинг хотини хизматида бўлган машҳур табиб эди. Салжуқий султонида қилган хизматлари туфайли эҳсонларга кўмилди; ўзи ҳам бу неъмат ва эътибор сабабли мусулмон бўлди. “Мўътабар” номли тиббиётга оид асари жуда машҳур. Султон тортиқ қилган қизил чакмонини кийиб дарс берар эди. Абу Зайд Навкониий ҳам риёзиёт ва юзалар борасида ёзган асарлари билан машҳур эди. Балхда яшаган ва 1141 йилда вафот этган табиб Абу Саид Муҳаммад ибн Алининг ҳам бавосир (гемморой) ҳақида ёзган асари бор. Тиб ва ҳандасада машҳур бўлган Маҳмуд султон Санжарнинг кадрли табиби эди. Баҳауддин Меҳмед ибн Маҳмуд ҳам султонни даволашда кўрсатган маҳорати сабабли сарой бош табиблигига кўтарилди. Султон Санжар умрининг охирларида, аввал қора-хитойларга қарши Катвонда, кейин эса ўғузларга мағлуб бўлгунича бу олимларнинг бир қисмини йўқотди, файласуф Маҳмуд Илоқий ва файласуф самарқандлик Ҳасан ҳам шаҳидлар орасида эдилар [2:124-170].

Султон Санжарнинг Туркистон, Хоразм ва Хуросонда етиштирган ва ҳимоя қилган давлат ва илм кишилари шу қадар кўп эдики, “қора-хитой кофирлари Туркистонни истило этганларидан кейин бу мамлакатни улар билан идора этишга мажбур бўлди”лар [14:18]. Султон Санжар даврига мансуб бу олимларга оид асарлардан кўпи бизгача етиб келмаган; айниқса, мўғуллар истилосида Ўрта Осиё маданияти билан бирга бу асарлар ҳам йўқ бўлиб кетган. Илм ва олимларнинг ҳомийси бўлган султон Санжарнинг ўзи ҳам илм ва маданиятга ошуфта подшоҳ эди. Унинг даврида яшаган буюк олим ибн Фундук (1097-1169), физика ва маҳрутлар (юзалар) илмида машҳур Абул Фатҳ Кўшекнинг “китобларини энг буюк султон Санжарнинг кутубхонасида кўрдим. Султон бу китобларнинг муталасига жуда берилган эди” ифодаси билан Санжарнинг маданият тизимини ёритган жуда муҳим маълумотни беради. Султон Санжарнинг ҳимоясида бўлган файласуф Умар ибн Саҳлан ас-Савий (ваф. 1145) султон номига ва унинг кутубхонаси учун ёзган “Рисолаи санжарийя” асари ўз даврининг

мусбат илмлари (аниқ фанлар) ва физика соҳасида жуда муҳим воқеалик бўлди. Муаллиф асарда табиатда юз берадиган ҳодисаларни тахминан бугунги физика илми даражасида изоҳлаб беради. Бунга кўра қуёшнинг ҳарорати билан сувлар парланади; совуқ ҳавога учраган вақтда бу буғлар маълум концентрацияни ҳосил қилиб, сув яъни ёмғир ҳолида яна қайтиб ерга тушади. Ҳавонинг совуқлиги ортса ёмғир ерга қор шаклида тушади. Умар ибн Саҳлан исбот учун шахсий тажрибасида муз бўлаклари атрофидаги ҳавонинг совиши билан алоқага киришган ҳаводаги буғнинг сув ҳолига келишини, ҳаво иссиқ бўлса сувнинг буғ ҳолида йўқ бўлиб кетишини айтади. Файласуф иссиқ ҳавонинг совуқ ҳаводан енгил бўлишини, буғнинг юқорига кўтарилиши сабабидан деб тушунтиради. Ҳавонинг иссиқ ёки совуқлиги буғ, булут, ёмғир ва қорни ҳосил қилишини изоҳлагани каби, момақалдирик, яшин ва чакмоқ ҳодисалари ҳам ҳавонинг шу физик ҳодисалари бир-бири билан қандай тўқнашишига қараб вужудга келади дейди. Шу муносабат билан товушнинг ҳаво тўлқинлари орқали қулоғимизга урилиб қандай пайдо бўлишини ва нурнинг тезлиги сабабли чакмоқ чақишини эшитишимиздан аввал уни кўра олишимизни айтган экан, товушнинг ҳаво орқали етиб келишини тушунтиради. Муаллиф рисоласида шамоллар, ер ости сувлари, олтингугурт, маъданлар, туз, новшадил ва **купорос** (сульфат кислота тузларининг техникадаги номи) ларнинг қандай ташкил топишини ҳам қайд этади. Ўз даврининг муҳим физик олими ва файласуфи асар муқаддимасида “Оламнинг подшоҳи энг буюк султон, шарқ ва ғарб ҳукмдорларининг ҳукмдори Санжарнинг орзуси билан унинг кутубхонаси учун ҳозирлаган”лигини айтади. Бу ҳам султон Санжарнинг илм ва маданиятнинг ҳар бир жаҳасида қанчалик машғул бўлганлигини кўрсатади [19:15-55].

Бу даврда илмий тараққиёт ислом мамлакатлариданда ошиб, Европани ҳам ўз таъсир доирасига олди. Сиёсий бирлик билан бирга, туркий муҳожирлар, савдо муносабатларининг ривожланиши, Туркистон, Хоразм, Хуросон ва бошқа ўлкалардан турли ислом ўлкаларига узлуксиз тарзда жуда кўп илм, дин, тасаввуф, адабиёт ва санъат арбобларининг кўчиб келишларига сабаб бўлдики, манбаларда тез-тез бу ўлкалардан

келган маданият кишиларининг исмларини учратамиз.

ХУЛОСА

Хулоса сифатида шуни айтишимиз мумкинки, салжукийлар даврида минглаб жомеълар, юзлаб мадрасалар ва таълим масканлари қурилди. Давлат, амалдорларнинг ўзлари бунга ҳомийлик қилдилар ва илмга, илм кишиларига юксак ҳурмат ва эҳтиром кўрсатдилар. Натижада фан тараққий қилди ва турли соҳалар бўйича кўплаб олимлар етишиб чиқди. Улар мерос қолдирган асарлар ва илм-фанда кашф қилинган янгиликлар ўз даври тараққиёти ва ривожига улкан ҳисса қўшди. Давлат раҳбарларининг ҳам бу фаолиятларни қўллаб қувватлаши илмий ҳаракатларнинг узилиб қолмаслигига туртки бўлди.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Abul-Farac Bar Hebraeus. Chronography. – London 1932.
2. Али ибн Зайд Байҳақий. Татиммат сиван ал-Ҳикма / Нашр. М.Шафий. – Лаҳор, 1035.
3. Афзалад-Дин Кермани. Китаб иқд ал-аъла ли-л-мавкиф ал-аъла. – Техрон, 1311 г. х.
4. Акюз Яҳё. Турк таълим тарихи. – Анқара, 1989.
5. Ибн Фуватий. Ҳаводис ул-жамиа / Нашр. М.Жавод. – Бағдод 1351.
6. Ибн Фундуқ. Татиммат сивон ал-ҳикма / Багирова С.Г. – Ташкент: Фан, 1987.
7. Ибн Халликон. Вафаёт ал-Аён. – Қоҳира, 1209.
8. Ибн Шокир ал-Кутубий. Фавот ал-вафаёт. – Қоҳира, 1299.
9. Ибн Ҳажар Асқалоний. Дурар ал-Комина. – Ҳайдаробод, 1348-1350.
10. Ибн ал-Жавзий. Ал-Мунтазам. – Ҳайдаробод, 1358.
11. Imad ad-din al-Katib al-Isfahani. Texte arabe publie d’apres les Mss d’Oxford et deParis par M. Th. Houtsma. – Leiden, 1889.
12. Меҳмед Кўймен. Рисола-и Санжария // Тил, Тарих факултети Шарқ тиллари I, 3 (1969)
13. Мавдудий, Салжукийлар тарихи, тарж. Али Ганжали, Ҳилол нашриёти., Анқара 1971.
14. Ровандий. Роҳат ас-судур / Нашр. Иқбол. – Лондон, 1921.
15. Субкий. Табақот уш-Шофеъия. – Қоҳира, 1966.
16. Сиасет-наме. Книга о правлении вазира XI столетия Низам ал-Мулька / Пер. и прим. Б.Н.Заходера. – М.-Л., 1949.
17. Садр ад-дин Али ал-Хусайний. Ахбар ад-Даулат ас-Салжукийя. – М. Наука, 1980.
18. Turan O. Selçuklular Tarihi ve Türk İslam Medeniyeti. – İstanbul, 2015.